

**ТАРҚОҚ СКЛЕРОЗНИНГ НОҚУЛАЙ КЕЧИШИДА КЛИНИК  
МАРКЕРЛАР**

**Давронов Шохакбар Зайниевич**

Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси

**Пўлатов Садриддин Сайфуллаевич DSc**

Бухоро давлат тиббиёт институти

**Аннотация.**

Тарқоқ склерознинг ремиттирувчи шаклдан прогрессирувчи турларга ўтиши касаллик прогнозини белгилайдиган муҳим клиник босқич ҳисобланади. Ушбу тезис тарқоқ склерознинг турли клиник шаклларида мотор, когнитив ва функционал бузилишларни комплекс баҳолаш ҳамда ноқулай кечишни эрта аниқлаш имконини берувчи бирлаштирилган клиник кўрсаткични ишлаб чиқишга бағишланган.

**Калит сўзлар:** тарқоқ склероз; ремиттирувчи ТС; прогрессирувчи ТС; EDSS; когнитив бузилишлар; мотор функция; магнит-резонанс томография; бирлаштирилган клиник кўрсаткич.

**Актуаллик**

Тарқоқ склероз (ТС) марказий асаб тизимининг сурункали демиелинизацияловчи касалликларидан бири бўлиб, ёш меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида ногиронликка олиб келади. Ремиттирувчи тарқоқ склерознинг (РТС) прогрессирувчи шаклларга, жумладан иккиламчи-прогрессирувчи РСга (ИПТС) ўтишини эрта аниқлаш мураккаб клиник муаммо ҳисобланади. Амалда қўлланиладиган EDSS шкаласи ҳаракат

функцияларига кўпроқ йўналтирилган бўлиб, юқори қўллар ва когнитив бузилишларни етарлича акс эттирмайди. Шу боис касалликнинг ноқулай кечишини эрта аниқлашга имкон берувчи қўшимча клиник маркерларни излаш долзарб ҳисобланади.

#### **Материаллар ва методлар**

Тадқиқотда жами 31 нафар иштирокчи қатнашди: 18 нафар РТС билан касалланган бемор, 6 нафар бирламчи-прогрессирувчи ТС, 7 нафар иккиламчи-прогрессирувчи ТС гуруҳини ташкил этди. Барча беморларда EDSS шкаласи бўйича баҳолаш ўтказилди. Клиник баҳолашда T25-FW тест (пастки қўллар функцияси), 9-NPT тест (юқори қўллар функцияси), SDMT тест (когнитив функциялар), Fatigue анкета ва MSProDiscuss сўровномаси қўлланилди. Барча иштирокчиларга 3 Тл магнит-резонанс томографда мия МРТ ўтказилиб, оқ модда ва таламус ҳажми морфометрик таҳлил қилинди. Олинган маълумотлар статистик жиҳатдан таҳлил қилиниб, бирлаштирилган клиник кўрсаткич (БКК ТС) ҳисобланди.

#### **Натижалар**

Тадқиқот натижаларига кўра, ТС турлари орасида клиник тестлар ва шкалалар бўйича ишончли фарқлар аниқланди. Прогрессирувчи ТС гуруҳида EDSS балли юқори, T25-FW ва 9-NPT тестлари натижалари ёмонлашган, SDMT кўрсаткичлари эса паст бўлган. Ҳисобланган БКК ТС прогрессирувчи ва ремиттирувчи ТСни юқори сезгирлик ва спецификлик билан фарқлаш имконини берди. БКК ТС кўрсаткичи EDSS балли, MSProDiscuss натижалари ҳамда мия оқ моддаси ва таламус ҳажмининг камайиши билан ишончли корреляция қилди.

#### **Хулосалар**

Олинган натижалар тарқоқ склерознинг ноқулай кечиши клиник, когнитив ва мотор бузилишларнинг комплекс баҳоланиши билан боғлиқ эканлигини кўрсатди. Бирлаштирилган клиник кўрсаткич ТСнинг прогрессирувчи шакллари эрта аниқлашда қўшимча самарали инструмент сифатида қўлланилиши мумкин. Ушбу ёндашув юқори самарали патогенетик терапияни ўз вақтида бошлаш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади.

#### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Rudick R. A., Polman C. H., Cohen J. A. et al. Assessing disability progression with the Multiple Sclerosis Functional Composite // *Multiple Sclerosis Journal*. — 2009. — Vol. 15, № 8. — P. 984–997. — DOI: 10.1177/1352458509106212.
2. Meyer-Moock S., Maeurer Y. S., Feng M. et al. Systematic literature review and validity evaluation of the Expanded Disability Status Scale (EDSS) and the Multiple Sclerosis Functional Composite (MSFC) in patients with multiple sclerosis // *BMC Neurology*. — 2014. — Vol. 14. — Article 58. — DOI: 10.1186/1471-2377-14-58.
3. Lublin F. D., Reingold S. C., Cohen J. A. et al. Defining the clinical course of multiple sclerosis: the 2013 revisions // *Neurology*. — 2014. — Vol. 83, № 3. — P. 278–286. — DOI: 10.1212/WNL.0000000000000560.